

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**АРТИКОВА МАВЛУДА АБДУРАХМАНОВНА**

**БОЛАЛАР ЦЕРЕБРАЛ ФАЛАЖЛИГИДА ЭПИЛЕПСИЯ**  
**ЖАРАЁНИНИНГ КЛИНИК-ДИАГНОСТИК ТАВСИФИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the doctoral (DSc) dissertation abstract**

**Артикова Мавлуда Абдурахмановна**

Болалар церебралфалажлигида эпилепсия  
жараёнининг клиник-диагностик тавсифи..... 3

**Артыкова Мавлуда Абдурахмановна**

Клинико-диагностическая характеристика эпилептического  
процесса при детском церебральном параличе..... 29

**Artikova Mavluda Abdurahmanovna**

Clinical-diagnostic characteristics of epileptic process in children'  
cerebral paralysis..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 59

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**АРТИКОВА МАВЛУДА АБДУРАХМАНОВНА**

**БОЛАЛАР ЦЕРЕБРАЛ ФАЛАЖЛИГИДА ЭПИЛЕПСИЯ**  
**ЖАРАЁНИНИНГ КЛИНИК-ДИАГНОСТИК ТАВСИФИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.3.DSc/Tib199 рақам билан руйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tipme.uz](http://www.tipme.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим тармоғида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Гафуров Бахтияр Гафурович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Садикова Гулчехра Кабуловна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Рахимбаева Гульнора Саттаровна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Заваденко Николай Николаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия)

**Етакчи ташкилот:**

**Қозғистон миллий тиббиёт университети (Алмата)**

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 10007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел/факс: (+998 71) 268-17-44, e-mail: [info@tipme.uz](mailto:info@tipme.uz)).

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтидаги Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақами билан руйхатга олинган). (Манзил: 10007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел/факс: (+998 71) 268-17-44).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х. А. Акилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н. Убайдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Г.С.Рахимбаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

**Дисертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, болалар церебрал фалажлиги (БЦФ) болалар ногиронлигида бошқа касалликлар орасида етакчи бўлиб, «...16 ёшгача бўлган жисмоний ва ижтимоий имконияти чекланган болалар сони ер шари аҳолисининг қарийб 10% ташкил этмоқда. Дунёда сўнгги 50 йилда БЦФ натижасида ногиронлик сони барқарор ошганлиги кўрсатилган: XX асрнинг ўрталарида ҳар 1000 нафар янги туғилган чақалоқлар орасида 0,4 ҳолатда учраган бўлса, XXI асрнинг бошида бу кўрсаткич 13-15 ҳолатга кўпайган, яъни ногиронлик кўрсаткичи 35-37 бараварга ошганлиги кузатилмоқда»<sup>1</sup>. Ҳозирги кунда жаҳонда кўпроқ БЦФнинг симптоматик эпилепсия (СЭ) асоратли шакллари қайд этилиб, касалликни янада зўрайтирмоқда. СЭнинг учраш ҳолатлари 18-80% ташкил этади.

Жаҳон миқёсида БЦФнинг клиник-неврологик кўринишларини замонавий ташҳислаш ва даволашнинг мукамал усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада БЦФда эпилепсияни барвақт ташҳислаш; учраш даражаси ва ривожланиш омилларини аниқлаш; болаларнинг руҳий ва интеллектуал ривожланишида эпилептик жараён ролини аниқлаш; эпилепсия келиб чиқишининг патогенетик хусусиятларини аниқлаш, касалликнинг клиник шакллари билан нейровизуализацион боғлиқликни аниқлаш, қон зардоби ҳамда орқа мия суюқлиги (ОМС)да биокимёвий, иммунологик кўрсаткичлар орасидаги боғлиқликни аниқлаш; эпилепсияга хос бўлган генетик маркёрларни топиш; тутқаноқларнинг юзага келишига сабаб бўладиган нейромедиаторлар миқдорини аниқлаш; мия пўстлоғи ва пўстлоқ остида ҳосил бўлган глиал чандикли эпилептик ўчоқлар шаклланишини аниқлаш; амбулатория ва стационар шароитида даволаш ва реабилитация тизимини ишлаб чиқиш; асоратларни камайтириш, касаллик профилактикасига тизимли ёндашиш, болалар ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган кенг қамровли дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш устувор йўналиш бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан болаларда асаб тизими касалликларини эрта ташҳислаш ва асоратларини камайтириш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада

---

<sup>1</sup> World Health Organization website, Geneva: World Health Organization. Available from URL: <http://who.int/whr/2014/en/statistics.htm>. 2014.

кенгроқ амалга ошириш вазифалари»<sup>2</sup> белгиланган. Бу борада болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса БЦФ ва эпилепсия жараёнини ташхислаш ҳамда даволашнинг юқори технологияли замонавий усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5270-сон Фармони ва 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи**<sup>3</sup>. БЦФда эпилепсия жараёнини ташхислаш ва даволашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Center for Fetal Diagnosis and Treatment, Children's Hospital of Philadelphia and the University of Pennsylvania School of Medicine, Philadelphia, Pennsylvania (АҚШ); University of Sheffield (Буюк Британия); Bonn University (Германия); Center for Epilepsy at the Motol University (Чехия); University of Washington (АҚШ); Sahlgrenska Academy at the University of Gothenburg (Швеция); Martinos center for biomedical imaging (АҚШ); Harvard medical school (АҚШ); Neurospin research center (Франция); Н. П. Бехтерев номидаги Инсон мияси институти (Россия), Болалар психоневрология илмий-амалий маркази (Россия) ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда БЦФ оқибатида эпилепсия жараёни пайдо бўлиш механизмларини аниқлаш, ташхислаш, даволаш ва профилактикасини такомиллаштириш тадқиқотлари бўйича қатор, жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: БЦФ да бош мия пўстлоғи, пўстлоқости ва пирамида йўли мотор зонаси фаолияти бузилиши аниқланган (Center for Fetal Diagnosis and Treatment, Children's Hospital of Philadelphia and the University of Pennsylvania School of Medicine, Philadelphia, Pennsylvania, АҚШ);

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: [www.pediatrics.kz](http://www.pediatrics.kz) ; <https://www.aans.org/>; <https://www.chop.edu/centers-programs/center-fetal-diagnosis-and-treatment>; <https://www.university-directory.eu/United-States-USA/Childrens-Hospital-of-Philadelphia-and-the-University-of-Pennsylvanias-School-of-Medicine--Research-Institute.html>; <https://www.gradschools.com/programs/neuroscience>; <http://www.unifesp.br>; <https://www.nsi.ru/>; <http://www.almazovcentre.ru>; <http://neuro.uz> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди

перивентрикуляр лейкомаляция - бош мия ярим шарлари оқ моддасида некрозли ўчоқлар, гипоксия ва ишемия ривожланиши исботланган (Center for Epilepsy at the Motol University, Чехия); БЦФ турли шаклларида антиэндотоксин иммунитетининг ҳолати ўрганилган (University of Sheffield, Буюк Британия); церебрал фалажликни пренатал ташхислаш усули ишлаб чиқилган (Н.П. Бехтерев номидаги Инсон мияси институти, Россия); БЦФ ривожланишига сабабчи турли генетик маркёрлар аниқланган (Sahlgrenska Academy at the University of Gothenburg, Швеция); БЦФнинг асоратли ҳолатларида мияда биоэлектрик фаоллик ва чуқур когнитив бузилишлар кузатилиши исботланган (University of Sheffield, Буюк Британия).

Ҳозирги пайтда олинган натижалар юзасидан пайдо бўлган саволлар тадқиқотларни давом эттиришни талаб этади. Олдингидек, диққат марказида пренатал патология ташҳисини оптималлаштириш; БЦФга учраш даражаси ва ривожланиш омилларини аниқлаш; беморларнинг рухий ва интеллектуал ривожланишида эпилептик жараён ролини аниқлаш; эпилепсия келиб чиқишининг патогенетик хусусиятларини белгилаш; БЦФнинг турли клиник шакллари ва эпилепсия орасидаги нейровизуализацион боғлиқликни аниқлаш; БЦФнинг оғир кечувчи шакллари ва эпилепсия ривожланишига хос бўлган генетик маркёрларни топиш ва кўпгина бошқа масалалар шулар жумласидандир.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Саноати ривожланган мамлакатларда БЦФнинг кенг тарқалганлиги болалар асаб касалликларининг муҳим муаммосига айланди. Нейровизуализация усуллари (МРТ, КТ) БЦФ бўлган беморлар тириклигида марказий асаб тизимининг патоморфологик бузилишини аниқлаш имконини берди (Bazilevich С.Н., Odinak М.М, 2008; Andres P., Xavier S., 2014; Zheng X.N et al., 2014; Siegert R.J., 2015). Илгари бу ташҳис фақатгина аутопсияда топилар эди. Эпилептик пароксизмларнинг юзага келишида бош миянинг экстрапирамида соҳасидаги онтогенетик тузилманинг етилиш жараёнини орқада қолиши муҳим аҳамиятга эга (Алиханов А.А., Рыжков Б.Н., 2010; Икромов А.И., 2013).

Перивентрикуляр лейкомаляция, бош мия пўстлоғи атрофияси ва туғма аномалиялар эпилепсиянинг юзага келишининг асосий сабаби деб белгиланди (Deng W., 2012; Le Bihan D., 2012; Wolfgang G. et al., 2014). Бироқ, СЭ шаклланишида бош мия тузилишининг морфологик ўзгариши билан боғлиқлиги тўлиқлигича аниқланмаган (Белоусова Е.Д., 2012; Мухин К.Ю., Петрухин А.С., 2014; Литовченко Т.А., 2015; Батышева Т.Т, 2016; Омельченко Н.Н., 2017). Айниқса, патологик жараённинг эрта босқичларида нейровизуализация натижаларининг таҳлили эпилепсия ривожланишининг бирламчи бўғимини аниқлаш имконини бермайди.

Болаларда турли клиник кўринишли ва оғирликда кечувчи церебрал фалажликда юзага келадиган эпилепсия сабабларини аниқлаш, эрта ташхислаш, патогенетик хусусиятларини белгилаш (Семёнова К.А., 2009; Евтушенко С.К., 2012; Заваденко Н.Н., Немкова С.А., 2016; Содиқова Г.К., 2016), иммунологик ҳолатини текшириш, наслий мойиллик ва генетик

хусусиятларини аниқлаш борасида қатор муаллифлар (Aronson E., Stevenson S.B., 2012; Houwink M., Kits A., 2012; Novak I., Morgan C. et al., 2017) томонидан илмий тадқиқотлар ҳар томонлама батафсил амалга оширилган.

БЦФда СЭнинг шаклланиши бош мия тузилмаси ва микротузилмасининг бузилиши оқибатида ҳосил бўлишини исботлаш фақатгина мукамал ташҳисий услубларни яратгандагина мумкин бўлади. Адабиётларнинг таҳлили ушбу касалликни даволашдаги салбий натижалар ташҳиснинг анча кеч аниқланиши билан боғлиқлигини кўрсатди. Буларнинг барчаси БЦФда СЭни эрта ташҳислаш ва даволаш усулларини такомиллаштиришни талаб этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасинингилмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институтиилмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистоннинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг янги технологиялари» (2012-2016йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** БЦФда эпилепсия ва эпилептик тутқаноқларнинг клиник-диагностик хусусиятларини тансифлаш, прогнозлаш ва даволаш тамойилларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** куйидагилардан иборат:

СЭнинг БЦФ клиник шаклига боғлиқ бўлган хусусиятлари ва учраш ҳолатини тавсифлаш;

беморларда БЦФнинг оғирлик даражасини баҳоловчи (балларда) асосий омилларни аниқлаш;

БЦФ бўлган беморларнинг руҳий ривожланиши ва интеллектуал фаолиятида эпилептик жараённинг ролини баҳолаш;

БЦФ бўлган беморларда электроэнцефалография (ЭЭГ) усулида эпилепсиянинг электрофизиологик маркёрларини аниқлаш;

СЭ асоратли БЦФ беморларда клиник-нейровизуализацияли корреляция ҳолатини аниқлаш;

СЭ асоратли БЦФ беморларда нейроморфологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлар ўзгаришини аниқлаш;

тадқиқот натижалари асосида БЦФда СЭни даволаш ҳамда профилактикасининг оптимал ва дифференцирланган алгоритмларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Бухоро вилоят болалар психоневрология шифохонасида 1-16 ёшдаги 308 нафар БЦФ ташҳиси билан даволанган болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети:** вена қони зардоби, орқа-мия суюқлиги (ОМС), бош мия.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник-инструментал, анамнестик, генеалогик, нейрофункционал, биокимёвий, морфологик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор БЦФда СЭ асорати бош мия морфологик тузилмасининг ўзгаришлари: субарахноидал соҳанинг кенгайиши ҳамда бош миянинг туғма аномалиялари билан фарқланиши аниқланган;

илк бор БЦФда ирсий белгилар аниқланиб, гаптоглобин Нр2-2 фенотипи оғир кечувчи қўшалок гемиплегия ва атоник-астатик шакллар ривожланишининг хавfli омили эканлиги исботланган;

илк бор БЦФ беморларда липидларнинг перекисли оксидланиши (ЛПО) ва малон диальдегид (МДА) миқдорининг ортиши СЭ билан асоратланиб, унинг кучайиши касалликнинг клиник шакли ва гаптоглобин фенотипига боғлиқлиги аниқланган;

БЦФ беморларда ацетилхолин миқдори пасайиши натижасида мияда нейромедиаторлар мувозанатининг бузилиши СЭни ривожланиши билан боғлиқлиги исботланган;

илк бор БЦФ ва СЭли беморлар гомеостазида электролитларнинг пасайишга мойиллиги ҳамда ОМСда бу кўрсаткичлар ўта паст эканлиги аниқланган;

нейромедиаторлар миқдорининг етишмовчилиги БЦФ ва СЭ оғирлик даражасига боғлиқлиги исботланган;

патологик жараённинг зўрайишини кўрсатадиган яллиғланиш (ўсма некрози омили альфа (ЎНО $\alpha$ ) ва интерферон гамма (ИФН $\gamma$ )) ва яллиғланишга қарши (интерлейкин (ИЛ-10)) цитокинлар миқдорининг иккала биологик муҳитда ҳам ортиши СЭ асоратли БЦФ беморларга хос эканлиги аниқланган;

илк бор аутопсияда бош мия тузилмасининг морфометрик хусусиятлари таснифланиб, мия пўстлоғи ва пўстлоқ остида ҳосил бўлган глиал чандик глианинг эпилептик ўчоқлар шаклланишида муҳимлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

БЦФда эпилепсиянинг ривожланиши ва учраш ҳолати оналик омилларига, жумладан: оналар саломатлигининг бузилиши, оғир акушерлик анамнези ҳамда болада фебрил тутқаноқларга наслий мойиллик бўлиб, кейинчалик СЭга трансформацияланишига боғлиқлиги исботланган;

БЦФда болаларнинг психомотор ривожланишида орқада қолиши (ПРОК) даражаси билан генерализациялашган эпилептик хуружлар ҳолати орасида узвий боғлиқлик аниқланган;

когнитив ривожланишни аниқлашнинг самарали усулларида бири психоневрологик тест эканлиги асосланган;

БЦФда эпилепсияни даволашда энг аввало вальпроатларни қўллаш кераклиги исботланиб, иммунмодуляторлар, сўрилтирувчи дори воситалари ва стероид гормонларни ҳам қўшиш мақсадга мувофиқ деб топилган;

церебрал фалажликнинг оғирлик даражасини аниқлаш, терапия самарадорлигини даволашдан олдин ва ундан кейинги ҳолатини баҳолаш ва зарурат туғилганда уни ўзгартириш шкаласи таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар назарий маълумотларнинг натижалари билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг

етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан изоҳланиб, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, изланувчи диссертациянинг асосий ҳолатлари, хулосалари ва таклифлари билан БЦФда эпилепсия жараёнини ташҳислаш, клиник-неврологик хусусиятларини очиш ва даволашнинг комплекс усуллари ишлаб чиқиш борасидаги билимларни тўлдиради. Гаптоглобиннинг Нр2-2 фенотипи қўшалок гемиплегия ва атоник-астатик шакллари ривожланишининг хавфли омили эканлиги, ЛПОнинг кучайиши, МДА микдорининг ортиши гаптоглобин фенотипига ва БЦФнинг клиник шаклига боғлиқлиги, миёда нейромедиаторли мувозанатининг бузилиши СЭ ривожланиши билан боғлиқлиги, микроэлементлар микдорининг ўзгариши СЭнинг оғирлик даражасига боғлиқлиги, иммунно-морфологик ўзгаришлар бош миёда патологик жараённинг зўрайиши билан боғлиқлиги ушбу касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти БЦФда болаларнинг ПРОҚ даражаси ва генерализациялашган эпилептик хуружлар ҳолати орасидаги узвий боғлиқлик аниқланганлигида. Беморларда когнитив ривожланишни аниқлашнинг самарали усулларида бири психоневрологик тест эканлиги белгиланди. БЦФда эпилепсияни даволашда энг аввало вальпроатларни қўллаш кераклиги исботланди. Иммунодуляторлар, сўрилтирувчи дори воситалари ва стероид гормонларни ҳам қўшиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Терапия самарадорлигини даволашдан олдин ва ундан кейинги ҳолатини баҳолаш ва зарурат туғилганда уни ўзгартириш шкаласи таклиф этилди. Ушбу шкаланинг афзаллиги - унинг церебрал фалажликнинг оғирлик даражасини (балларда) кўшимча текширувларсиз аниқ кўрсатишида.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Болалар церебрал фалажлигида эпилепсия жараёнини ташҳислаш ва даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш буйича олинган илмий натижалар асосида:

«Болалар церебрал фалажлигида симптоматик эпилепсияни ташҳислаш ва даволашда янгича ёндашувлар» мавзусидаги услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 27 февралдаги №8н-р/31-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма барвақт ташҳислаш, хавфли гуруҳни аниқлаш, касаллик асоратларини олдини олиш ва даволаш самарадорлигини оширади;

«Симптоматик эпилепсия асоратли болалар церебрал фалажлигида бош миёанинг морфологик хусусиятлари» мавзусидаги услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 25 сентябрдаги №8м/87 маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма БЦФнинг турли клиник шаклларида бош миёанинг ҳар хил соҳаларида патоморфологик ўзгаришлар эпилептик ўчоқлар шаклланишига боғлиқлигини аниқлашда хизмат қилади;

БЦФда эпилепсия жараёнини ташхислаш ва даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш буйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан, Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази неврология бўлими ҳамда Бухоро вилояти руҳий-асаб касалликлари диспансери болалар бўлимлари амалиётида жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 06 мартдаги 8н-д/10-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар тиббий ёрдам сифатини ошириш, ташхислаш ва даволашнинг янги услубларни қўллаш орқали БЦФда эпилепсия хуружларини 1,6 мартага камайтириш, беморлар умумий ҳолатини 15,4%га яхшилашга эришиш натижасида уларни ижтимоий ҳаётга мослаштиради. Беморларни стационарда даволаниш муддатини қисқартириш, болалар ногиронлигини камайтириш ҳисобига тиббий хизматнинг иқтисодий самарадорлигини оширади ва болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 12та, жумладан 4та халқаро ва 8та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, жумладан, 16 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 7 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилмаси ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Церебрал фалажлиги бўлган болаларда эпилепсиянинг клиник патогенетик хусусиятларига замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзусига оид замонавий ва маҳаллий нашрлар шарҳи берилган. Касалликнинг клиник-морфологик турлари, этиопатогенетик жиҳатлари ёритилган, БЦФ билан оғриган, СЭ билан асоратланган беморларни комплекс ташхислаш ва даволаш усуллари таҳлил қилинган. Батафсил ўрганишни талаб этувчи саволлар аниқланган, тадқиқотнинг долзарблиги ва ушбу мавзунини ишлаб чиқиш зарурати асосланган.

Диссертациянинг «БЦФ беморларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида беморлар ҳақида маълумот ва тадқиқот усуллари келтирилган.

1-16 ёшгача бўлган 308 нафар БЦФ бемор кузатув остида бўлди. СЭ ривожланиш хавфини аниқ прогностлаш ва болаларга ўз вақтида малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун ретроспектив тадқиқот ўтказилди: БЦФ ташхисланган барча беморларнинг касаллик тарихи таҳлил қилинди, уларнинг оналарида махсус анкета бўйича сўров ўтказилди, болаларда СЭ шаклланишида турли пренатал ва интранатал омиллар таъсири таҳлил қилинди. Касаллик анамнези маълумотлари: хомиладорликнинг кечиши, ёндош касалликлар, зарарли одатлар, туғруқ тарихи, интранатал патология ва боланинг тўлиқ хомила муддатида кўтарилишини ҳисобга олдик. Биз БЦФ бўлган беморларда эпилепсия ривожланиш хавфини башоратлашнинг асосий омилини белгиладик. Боланинг психомотор ривожланишини, патологик белги ва контрактуранинг шаклланиш хусусиятлари, юриш стереотипи, олиб борилган терапия ва унинг самарадорлиги ўрганилди. Беморнинг ота-онасидан анамнез йиғилди ва тиббий хужжат маълумотларига қўшилди (ота-оналар шикоятлари, мутахассислар текшируви, илгари ўтказилган инструментал ва лаборатор текширувлар). Клиник-неврологик текширув ўтказилди, жумладан бош чанок нервлар ҳолати, пирамида ва эстрапирамида йўллар фаолияти, сезувчанлик ва мушак тизими фаолияти, фебрил тутқаноқ ёки эпилепсия мавжудлиги, интеллектуал ривожланиш текширилди.

Тадқиқотга 176 та (57,1%) ўғил бола ва 132 нафар (42,9%) қиз бола камраб олинди. Барча болалар ёшига нисбатан, уларнинг жисмоний хусусиятларини инобатга олган ҳолда 4та гуруҳга бўлинди: 1-3, 3- 6, 7-11, 12-16 ёшликлар. Тутқаноқ мавжудлиги ёки йўқлигига кўра болалар икки гуруҳга бўлинди:

1) асосий гуруҳ – тутқаноқли, яъни СЭли БЦФ бўлган 114 та бола.

2) таққослаш гуруҳи – тутқаноқсиз, яъни СЭси бўлмаган БЦФ билан хасталанган 194 нафар бола.

Клиник ташхислашнинг анъанавий усуллари ҳар доим ҳам олиб бориладиган терапияни миқдорий баҳолашга, неврологик бузилиш даражасининг тўлиқ ҳолатини белгилашга имкон бермайди. Шунинг учун қулай ва самарали ёндашув, яъни клиник мезонлар асосида, балларда белгиланадиган баҳолаш усули (шкаласи) ишлаб чиқилди. Бу шкала бемор ҳолатининг сифатли ўзгаришини миқдорий баҳолашга имкон беради. Бундай шкалалар бугунги кунда клиник тиббиётнинг турли соҳаларида (акушерлик, травматология, реаниматология, психиатрия), жумладан неврологияда ҳам кенг қўлланилган. Ушбу усуллар жисмоний ҳолатнинг максимал даражасини баҳолашга имкон берса (масалан, Апгар шкаласи янги туғилганлар ривожланиш даражасини баҳолайди), бошқалари патологик ривожланишнинг оғирлик даражасини баҳолайди. Биз эса БЦФ бўлган беморларда касаллик даражаси ва динамикасини миқдорий баҳолаш имконини берувчи клиник балли шкалани ишлаб чиқиб, уни амалиётга жорий этишга ҳаракат қилдик.

БЦФ бўлган беморларда бош миянинг эрта органик шикастланиши билан боғлиқ психик ривожланишнинг ўзига хос аномалияси мавжуд. Ривожланиш даражасини белгиловчи усуллардан бири Равеннинг тест-стандартли прогрессив матрицаси (SPM) бўлиб, унинг ёрдамида интеллектуал ривожланиш даражаси аниқланади. Унда 60та вазифа 5та қисмга тақсимланган (ҳар бирида 12тадан вазифа). Тест вазифалари уларни ечишдаги мураккабликнинг ошиши бўйича тартибланган, яъни ҳар бир вазифа олдингисидан мураккаброқ бўлади. Тест натижаси – тўғри ечилган вазифаларнинг умумий сонидан иборат бўлади. Юқори кўрсаткичлар белгиларнинг чекланган миқдорига эга график объектлар қаторини тартиб билан тузишда мантиқий қонунни аниқ белгилаш билан аниқланади. Тестни ўтказишда синовдаги болалар «секин фикрлашларини» инобатга олган ҳолда вақт чегараланмайди.

Электронеурофизиологик усуллар – эпилепсияни ташҳислашда етакчи ҳисобланади. Улар айнан пароксизмнинг эпилептик табиатини тасдиқлаш ва эпилептик ўчоқ жойлашувини белгилаш имконини беради. Мия тузилишининг функционал ҳолати ва унинг тўлиқ етилганлигини электроэнцефалограмма (ЭЭГ) маълумотлари асосида аниқланади. Унинг ёрдамида асаб тўқималари биоэлектрик фаоллиги ўрганилди. Провокацион синамалардан фойдаланиб, ЭЭГда патологик фаоллик ўчоғи жойлашган майдонлар топилди ва компьютерда ёзиб олиниб таҳлил этилди. ЭЭГ-видеомониторинг тадқиқотларнинг кенг қўлланиладиган ноинвазив самарали усули бўлиб ҳисобланади.

Барча болаларда анъанавий услубдаги ЭЭГ амалга оширилди. «Энцефалан 131-03» (Россия) энцефалография амалга оширилди, паллали электродлар «10-20» халқаро тизимли «Мицар» ва тарқалиш тезлиги 30 мм/сек. ЭЭГ маълумотларини моно- ва биполяр ажратишда ўргандик. Функционал синамаларни қўлладик (2-50 Гц частотали фотостимуляция). Артефактлардан холи ЭЭГ текшируви баҳоланди.

Магнит резонансли томография (МРТ) – СЭли ва СЭсиз БЦФ бўлган беморларни текширишнинг биринчи усули ҳисобланади. IЛАЕ тавсияларига кўра, оғир даражадаги ёки даволаш қийин бўлган (фармакорезистентли) тутқаноғи бўлган болаларда албатта МРТ ва КТ орқали бош миянинг фаолиятини текшириш зарур.

СЭли БМФ ташҳисланган 94 та беморда ва эпилепсиясиз БЦФ ташҳисли 100 та беморда GEObation (USA) 1,5 Тесла магнит майдонли МРТ текшувидан ўтказилди. Текширилди: анъанавий МРТ (Т1- ва Т2- муаллақ тасвир) спинаксининг импульсли изчилликдан (ИИ) фойдаланиб, шунингдек, ИИ инверсия-тикланиш – TIRM, градиентли акс-садо — (GRE)ни қўлланди. Учта ўзароперпендикуляр проекциялар: аксиал, фронтал ва сагиттал проекциялар, асосий орбита-меатал кесик билан стандарт аксиал шарҳли дебютдан фойдаланиб ўргандик.

ОМСнинг цитологик текшируви С. Г. Марданли, Ю. В. Первушин, В. Н. Иванов услубига кўра, болалар нейрохирургларининг даволаш тадбирлари давомида Самарқанд тиббиёт институтининг болалар

неврологияси кафедраси томонидан ишлаб чиқилган, кислородни эндолюмбал юбориш учун олдин люмбал суюқлик (3-4мл) олинди ва текширишда ишлатилди.

Лабораториявий биокимёвий тадқиқот усуллари. Гаптоглобин фенотиплари ва унинг миқдорини UNIMATE 3 HAPT (Россия) тўплами ёрдамида аниқланди. Полиакриламид (ПААГ)да дискэлектрофарез усулида [138] Н. А. Осина томонидан модификациялаган Devis усули бўйича қон зардобиди Нр ни фенотипларга ажратдик. Бу усул Нр-Нв – мажмуи ва эркин гемоглобин электрофоретик ҳаракатчанлигининг фарқланишига асосланади.

Қон плазмасидаги МДА миқдорини Л. И. Андреев ва ҳаммуаллифлар усули бўйича аниқланди. У 2-3 диенли алканларга эга тўйинмаган ёғ кислоталарни қайта оксидланишидан ҳосил бўладиган малон диальдегидини тиобарбитур кислота билан ўзаро бирикишига асосланади. МДА кўрсаткичини СФ-46 (Россия) спектрофотометрда 535 нм тўлқин узунлигида ўлчанди. Тиобарбитур кислота билан киришадиган маҳсулотлар миқдорини  $1,56 \cdot 10^6$  моль см<sup>-1</sup>га тенг моляр экстинкциясини ҳисобга олиб ҳисобладик ва нмоль МДА/мг оксилда ифодаладик.

Қон зардобиди холинэстераза фаоллигини колориметрик усулда UNIMATE 3 HAPT тўплами (Россия) ёрдамида аниқланди. Қон зардобиди ва ОМСда тиреотроп гормони (ТТГ) ва электролитлар: кальций (Ca), магний (Mg), калий (K), фосфор (Ph) миқдори Orto Clinical Diagnostics Johnson & Johnson (АҚШ) компаниясининг замонавий юқори технологияли ускунаси ёрдамида VITROS DIAGNOSTICS лабораториясида аниқланди. Цитокинлар концентрацияси: ИЛ-10, ИФН $\gamma$  ва ўсимта некрози фактори (ЎНО $\alpha$ )ни - ООО «Цитокин» (СПб.) биотестлар ёрдамида иммунофермент усулида аниқланди.

Бош миянинг морфологик ва морфометрик текшируви Соғлиқни сақлаш вазириликка қарашли Республика патологоанатомия марказида амалга оширилди. БЦФ ташхиси билан ўлган 33 та боланинг аутопсияси ўрганилди: уларнинг 18 тасида эпилепсия бўлган. Бош мия ярим шарининг ҳолати, уларнинг симметриклиги, юзасининг ҳолати ва бурма жойлари, уларнинг симметриклиги ва миқдори текширилди. Миянинг пўстлоқости бўлими, қоринчалари, мияча ва узунчоқ мия ҳолати текширилди. Бош мияни Шор усули бўйича препаратладик. Мия ярим шари пўстлоғи, пўстлоқости бўлимларинингҳар биридан  $1,5 \times 1,5$  см ўлчамли бўлакчалар олиниб 10%ли нейтрал формалин эритмасида тўйинтирилди ва парафинга солинди, улардан 5-6 мкм қалинликдаги гистологик кесиклар тайёрланиб цитокимёвий текширувлар ўтказилди. Морфометрик текширувларда пўстлоқ қатлами қалинлиги, қатлам бўйлаб нейронларнинг узунлиги ва кенглиги ҳамда нейроглия кўрсаткичлари 1 мм<sup>2</sup> ҳажмли кесикда аниқланди.

Тадқиқот натижалари статистик жиҳатдан Pentium-IV шахсий компьютерда Microsoft Office Excel-2016 дастур пакети ёрдамида қайта ишланди. Вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усули ёрдамида ўртача арифметик кўрсаткич (M), ўртача квадратик оғишма ( $\sigma$ ), ўртача стандарт хато (m), нисбий катталикларни ҳисобланди. Ўлчамларнинг статистик аҳамиятни Стъюдент (t) ва Фишер (F) мезони бўйича хатолар

эҳтимоли (P)ни ҳисобланди. Ишончлилиқ даражаси учун  $P < 0,05$ ни қўлланилди. Миқдорий катталиқлар статистик қиймат  $\chi^2$ - (хи-квадрат) ва z-мезон ёрдамида ҳисобланди.

Диссертациянинг «Симптоматик эпилепсияли БЦФ турли клиник шаклларининг хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида БЦФнинг клиник кўринишларида СЭнинг учраш ҳолати ва алоҳида хусусиятлари, беморларнинг нейрпсихологик тавсифи, уларда эпилепсия ривожланиш хавфининг клиник-анамнестик омиллари келтирилган.

Биз 1-16 ёшгача бўлган болаларда БЦФ учраш ҳолатини ЎзР ССВнинг статистик маълумотлари асосида таҳлил қилдик. Бухоро вилояти болалар психоневрология шифохонасида 2004-2016 йй. мобайнида даволанган БЦФнинг турли клиник кўринишида бўлган 308 нафар бемор болалар текширилди. Касалликнинг клиник кўриниши ҳар бир муайян ҳолатда К. А. Семенова таснифи бўйича, ҳамда Халқаро касалликлар классификациясининг болалар неврологиясида ташҳислаш ва даволаш стандартларига мос равишда белгиланди. БЦФнинг энг кўп учрайдиган спастик диплегия шакли 109 та болада, гемиплегик шакл - 77 тада, қўшалок гемиплегия - 59 та, атоник-астатик шакли - 33 ва гиперкинетик шакли - 30 та болада аниқланди. БЦФ учраши кўпроқ (176 нафар, 57,1%) ўғил болаларда кузатилган.

Биз, шунингдек, ёшдан келиб чиқиб болалар мия фалажлигининг турли клиник кўринишларини ўргандик ва касаллик 1-3 ёшли болаларда кўпроқ, 12-16 ёшли беморда камроқ кузатилишини аниқладик. Церебрал фалажликнинг энг кўп тарқалган тури спастик диплегия бўлиб, текширилган болаларнинг учдан бир қисмида белгиланди. Айниқса у 3-6 ёшли болалар гуруҳида кўпроқ учради. Ушбу шакл тетрапарези юқори спастик парапарезнинг қуйи спастик парапарези, баъзан оёқда кескин устунлик қилувчи пастки параплегияси билан уйғунлашуви билан тавсифланади. БЦФнинг гемиплегик шакли учраш ҳолати бўйича иккинчи ўринда туради. Ушбу шаклни текширилганларнинг тўртдан бир қисми 3-6 ёшда бўлиб, улар 1-3; 7-11 ва 12-16 ёшлиларга нисбатан 1,3; 2,3 ва 3,5 марта мос равишда кўпроқ аниқланди. Ушбу кўриниш бош мия ривожланиши эрта босқичларида ярим шарларнинг биттасида, кўпинча доминантида, гипоксик-ишемик жиҳатдан шикастланиши оқибатида юзага келади. БЦФда қўшалок гемиплегия асосан 1-6 ёшда кузатилди: касалликнинг ушбу шакли беморларнинг умумий сонининг 83%ни ва бошқа ёшдаги гуруҳларга нисбатан 5,8; 7,7 ва 7,7 марта мос равишда кўпроғини ташкил этади. Атоник-астатик шакл максимал энг кичик ёш гуруҳида (1-3 ёш), гиперкинетик шакл – 3-6 ёшли болаларда кузатилди. СЭнинг кўшилиши БЦФ кечиши ва прогнозини қийинлаштиради ва мавжуд психо-неврологик бузилишни чуқурлаштиради. Церебрал фалажликда эпилепсия 114 та (37%); эпилепсиясиз - 194 нафар (63%) болаларда кузатилди. БЦФда эпилепсия ривожланишида беморлар ёш муҳим прогностик аҳамиятга эга. Илк ёшда СЭнинг намоён бўлиши кўпроқ (кечроқ даврга қараганда) нутқ, когнитив ва рухий бузилишлар пайдо бўлишига сабаб бўлади, бу эса касалликнинг кечиши ва уни даволашни анча қийинлаштиради.

БЦФда интеллектуал ривожланишнинг асосий кўриниши турли оғирлик даражасидаги аклий қолоқлик ва психомотор ривожланиш чегарасида бўлган, қайта тиклаш мумкин бўладиган бирмунча енгилроқ интеллектуал етишмовчиликлардир. Равен (SPM) тести орқали аклий ривожланишни белгилаш учун психомотор ривожланишда орқада қолган беморларда интеллектуал даража касаллик шаклига кўра меъёрдан биров (1,2-2 марта) пастроқ бўлган. Бу тест СЭ мавжудлиги ва йўқлигидан келиб чиқиб, 6-9 ёшли болалар орасида интеллектини аниқлаш учун ўтказилганда СЭ бўлмаганда юқори кўрсаткичлар аниқланди. Бунда интеллектуал функциялар сақланганлик даражасига кўра кўпроқ ва сезиларли фарқ гиперкинетик шакл, спастик диплегияли беморларда кузатилди; бирмунча камроқ касалликнинг атоник-астатик, қўшалок гемиплегия ва гемиплегик шаклларида намоён бўлди.

Шундай қилиб, эпилепсия интеллектуал ривожланиш функциясини сезиларли секинлаштиради. Генерализацияланган эпилептик тутқаноқлар мавжудлигида аклий қолоқлик (олигофрения) максимал даражада акс этиши аниқланди.

Тадқиқотларимиз БЦФ пайдо бўлишида ҳомиладорликнинг турли муддатларида нормал кечишини бузилиши муайян роль ўйнашини кўрсатди. СЭли беморлар гуруҳида СЭ бўлмаган гуруҳга нисбатан кўпроқ муддатдан аввал туғилган болалар борлиги аниқланган. Бунда муддатдан аввал туғилиш барча БЦФ беморлар гуруҳларида устун бўлган. Айрим эпидемиологик тадқиқотлар БЦФ ривожланиши она ёшига боғлиқлигини кўрсатди, яъни туққан аёлларнинг энг кўпи 30 ёшдан катта бўлган. Тадқиқотимизда шунингдек, эрта ёшда она бўлиш ҳам муҳим роль ўйнаши кўрсатилган (18 ёшгача). Туққан аёл ёшининг катталиги – БЦФ ривожланиш омилларидан бири, деб ҳисобланиб, СЭ асоратланиши учун хавфли деб ҳисобланмайди. Биз перинатал наслий омилларни таққослаганда онанинг сурункали экстрагенитал касалликлари (семириш, қандли диабет), перинатал хавфнинг оналик омиллари (ҳомиладорликда дори ичиш, стресс ва рухий дискомфорт), шунингдек, эпилепсияга налий мойиллик БЦФ бўлган болаларда эпилепсия ривожланишига катта таъсир кўрсатишини аниқладик.

Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг нейрофизиологик ва невровизуал тавсифи**» деб номланган тўртинчи бобида БЦФда СЭнинг ЭЭГда акс этган хусусиятларини текшириш натижалари, МРТ-семиотикаси БЦФ ва унинг СЭ асоратларида бош мия тузилишининг ўзгариши таҳлил қилиш натижалари келтирилган.

Биз БЦФ бўлган 162та беморда ЭЭГ текширувларини ўтказдик: 77тасида СЭ бўлиб ва 85тасида эса СЭ бўлмаган. Визуал таҳлилни умумий қабул қилинган усулда ёшни ҳисобга олган ҳолда амалга оширдик. Барча миждорларда мианинг функционал ҳолатини миқдорий баҳолашни асосий нейрофизиологик ритмларнинг спектр қуввати бўйича олиб бордик. Мезонлар сифатида 4 та белгилар гуруҳи танланди: меъёр варианты, ўртача ўзгаришлар, яққол ва кўпол ўзгаришлар (1-жадвал). Мианинг биоэлектрик фаоллиги (МБФ) диффузиявий ўзгаришларини таҳлил қилганда БЦФ ва СЭ

бўлган болаларда бош миянинг кўпол ва ўртача ўзгаришлари СЭ бўлмаган гуруҳга нисбатан 1,4 ва 6 марта кўп бўлганини кўрсатди. Яққол ўзгаришлар эса иккала гуруҳда ҳам тахминан бир хил бўлган.

### 1-жадвал

#### СЭ мавжудлиги ва йўқлиги билан БЦФ бўлган болаларда бош мия биоэлектр фаоллигининг диффузиявий ўзгаришлари (%)

Гуруҳ	СЭли БМФ бўлган беморлар (n=77)	СЭсиз БМФ бўлган беморлар (n=85)	$\chi^2$	P
Меъёр	2 (2,6)	5 (5,9)	1,05	>0,05
Ўртача ўзгаришлар	3 (3,9)	18 (21,2)	10,69	<0,001
Яққол ўзгаришлар	25 (32,5)	28 (32,9)	0,00	>0,05
Кўпол ўзгаришлар	47 (61,0)	34 (40,0)	7,15	<0,01

Шундай қилиб, БЦФда МБФ ўрганганда дезорганизация даражасини аниқладик. Кўпроқ кўпол дезорганизация СЭли БЦФ бўлган беморларга хос бўлиб, СЭ бўлмаган кўпчилик болаларда БМФ нормал бўлган. Ёш билан боғлиқ ритм етилишининг умумий орқада қолиши, СЭли БЦФ бўлган беморлар орасида альфа-ўхшаш ритм СЭ бўлмаган беморларга нисбатан 1,5 баробар кўпроқ бўлган. Бош мия ярим шарига турғун бўлмаган боғлиқлик билан фокал секин тўлқинли фаоллик иккала гуруҳда ҳам бир хил бўлган. Генерализацияланган фокал фаоллик СЭда устунлик қилган (2 мартадан кўпроқ). Ва ниҳоят, МБФ амплитудаси бўйича биортмларнинг умумий акс этишида мия ярим шарлари ўртасида асимметрия иккала гуруҳда ҳам аниқланди, даврий жиҳатдан ҳар бир мия ярим шарда устун бўлган. Яъни мия ярим шарлари ўртасидаги динамика фокал секин тўлқинли фаоллик каби бўлган.

Биз 5-8 ва 9-12 ёшли соғлом ва БЦФнинг СЭ бўлмаган ва бўлган: кўшалок гемиплегия, спастик диплегия ва гемиплегик шакллари бўлган болалардамиянинг МБФни ўргандик. Биз дельта-, тэта-, альфа-, бета-1 диапазондаги ва юқори частотали бета-2, ЭЭГнинг асосий ритмлари кучини автоматлашган спектрал таҳлилини ўргандик. Маълумки, ЭЭГнинг спектрал таҳлили – бу тезкор ритм ҳосил бўлишига асосланадиган ЭЭГнинг асосий ритмларининг резонанс тавсифи. Бунда ЭЭГ биортмларининг турли диапазонининг спектрал кучи нисбий бирликларда ўлчанади ва фақатгина ЭЭГ у ёки бу биоритмининг максимал амплитудасигагина эмас, балки у таҳлил қилинадиган давр давомийлигига ҳам боғлиқ. Биз иккала бош мия ярим шарларининг битта давр кесимида спектрал кучини ўргандик, яъни, 10 сония, асосан, ЭЭГни бош мия тепа ва чакка қисмларида текширдик. Соғлом болаларда альфа-ритмнинг спектрал кучи дельта- ва тэта- тебраниш кучига қараганда камроқ эканлиги белгиланди.

БЦФ ва СЭда бош мия тузилишларининг МРТ-семиотикаси. Бош мия тузилиши ва микротузилмаси ўзгаришлари эпилепсия асорати бўлган

94 нафар БЦФ ва пароксизмал тутқаноғи бўлмаган 100та 2-16 ёшдаги болада тадқиқ қилинди. Эпилептик тутқаноқларнинг илк пайдо бўлиши туғилган вақтдан 10 ёшгача белгиланди, ўртача дебют ёши  $3,3 \pm 0,49$  йил.

